

ЎЗАРВАРИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРАЙЛИК!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 128 4375) | 27 июнь, Шанба — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИНИНГ МЕХНАТ ЗАФАРИ

Тошкент область ва шаҳар саноат корхоналари коллективлари юбилей йили меҳнат ваҳтини муваффақиятлар билан эътибор қилишмоқда. Барча шаҳар ва районларда завод-фабрикаларда беш йиллик план тошириқларини муддатидан илгари бажариш ҳамда юбилей йилини яхши кўрсаткичлар билан ўтказиш учун социалистик мусобақа тобора авж олаётган.

Мусобақа жараёнда юзга келадиган ватанпарварлик ташаббуслари кенг амалга оширилмоқда. Илгори усуллар, прогрессив технологиялар тилимай жорий қилинаёти. Ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнатини илмий уюштириш, меҳнат уюмдорлигини ошириш борасида қатор чоралар кўрилади.


Саноат ходимларининг аъён кўтаринчилиги ва ғайрат-шижоати билан қилаётган меҳнатларининг натижаси жуда салмоқли бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент область ва шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 1970 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган мақсулот реализацияси давлат планини муддатидан илгари—25 июнда тўла бажардилар. Қатор муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича олти ойлик тошириқ ҳам муваффақиятли адо этилди.

Саноатчиларимиз эришилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашни қизитиб юбордилар.

ЮКОРИ ЧИРЧИК районидagi «Ленинский путь» колхозининг аъзолари ўза парварлигини кучайтириб ҳар туп экиннинг кўпроқ ҳосил тўплаши учун курашмоқдалар. Бу ишда механизаторлар айниқса ғайрат кўрсатишляпти. Турсубой Ҳайтбоев ана шундай илгори механизаторлардан. У култивацияда белгиланган нормани ошириб адо этмоқда. Суратда: Т. Ҳайтбоев.



НУРСАИД МАМБЕТОВ эвенозининг аъзолари 41 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилишган. Улар шу кунларда култивация, чопиқ, сугориш ишларини меҳрида ўтказиб, мажбурийатни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: Н. Мамбетов ва Ф. Халилов ўртоқлар иш устида.



ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети районлар, совхозлар, колхозлар ва автокөлонналарга ғалла ўриш ва давлатга топшириш, уруғлик фонди жамғариш ва ғалла ташиш юзасидан ўзлари социалистик мусобақанинг 1970 йил 20 июнгача бўлган якуини кўриб чиқдилар ва қарор қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидagi «Коммунизм» колхозига (раиси О. Бердиев, партия ташкилотининг секретари М. Ортиқбоев, бош агрономи К. Мирзакулов, механизация ишлари бўйича раис ўринбосари М. Нусиров ўртоқлар) бу колхоз мавсум бошидан буюн планга нисбатан 24 процент майдондаги ғаллани ўрта, давлатга ғалла сотиш планини эса 102 процент, уруғлик жамғариш планини эса 38 процент бажарган.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидagi 46-автобазанинг автокөлоннасида ҳам область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи (автокөлонна бошлиғи А. Н. Захаров, партия ташкилотининг секретари А. Абдураимов, маҳаллий комитет раиси А. Д. Кузъин) берилди. Автокөлонна ғалла ташиш планини 75,6 процент бажарган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 26 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

1-стун — районлар, 2-стун — ўриладиган майдон, 3-стун — ўрилган майдон, 4-стун — планнинг бажарилиш проценти.

	490	416	84,9
Ормонийда	3351	3693	69,0
Калинин	2095	1136	54,2
Ўрта Чирчиқ	26597	12566	47,2
Бўя	9492	4123	43,4
Бенбод	5746	2320	40,4
Янгийул	10647	3748	35,2
Юкори Чирчиқ	22131	3300	14,9
Бўстонлик	9651	91	0,9

Область бўйича: 92200 31383 34,0

АКА-УКА СУВЧИЛАР

Мадамин ва Холтой Бекмирзаевлар илгирма йилдан бери колхозда сувчилик қилишляпти. Шу йиллар ичида улар ўз касбларига бўлган муҳаббатлари, ҳаёлот меҳнатлари, тошириқларини намунали бажаришлар билан хўрматга сазовор бўлишди. АКА-УКА сувчилар пахтадан юкори ҳосил етиштиришда ўз вақтида ва сифатли сугориш қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билишляпти. Шунинг учун зарур бўлган кезларда туналири давлларда, ғузларини сугориш билан бедор ўтказишляпти.

Ҳар ким ўз касбини севса, — дейди Мадамин Бекмирзаев, — у ўз вазифасини завқ билан бажаради. Акс ҳолда ишининг унуми бўлмайди. Дарҳақиқат, сувчи Бекмирзаевлар ўз касбларини сийдайдиган севилган учун ҳам илгирма йилдан бери тинимсиз сувчилик вазифасини бажаришляпти. Улар ўз касбларини бир қанча кишиларга ўргатишди уларнинг муҳаббатини, сувчиликка уйғотишди. Шунинг учун ҳам «ЎЗССР 30 йиллиги» қолдхонининг каттадан кичиги Мадамин билан Холтойнинг номларини хўрмат билан АКА-УКА сувчилар деб тилга олишляпти.

А. ХАНАЕВ.
Янгийул району.

ТАРАДДУД

да фермадаги қорамолларга берилмоқда.

Юбилей йилида қорамоллар қишга 13000 центнер қуруқ беда жамғариш учун аъ тараддуд қилишмоқда. Биринчи ўримдан 4200 центнер беда тўплаб гарамланди.

Беда ўриш ва қуриган бедаларни фермаларга пешма-пеш

ташиб келтиришда К. Патусов, А. Икромов, С. Гуметов сингари механизаторлар ғайрат кўрсатиб ишлашляпти. Янгилан бедаларни гарамлашда С. Кубеддинов, А. Райбуллаев ва юк ортувчи механизатор Геннадий Гришинлар айниқса фидокорлик кўрсатишмоқда.

ТЮПКОЧИ МЕХАНИЗАТОР

Эрта тонг. Кўёш ҳали ўз ётоғидан бош кўтарганича йўқ. Лекин пахтазор гавжуллашиб қолган. Ўзл четидagi катта картда теласидagi кўчма байронинг ҳиллаётган универсал енгил ўрмалайди. Ундан сал қарироқда ёшлар ғузларини бегона ўтлардан тозалаш билан банд.

Совхоз директори Сидикжон ака Гопов бизни бир томон азин Сирдарё соҳилларига туташиб кетган катта пайкал томон бошлади. Пайкалдаги янадан кичикан ёш нихоллар яшнаб ўсяпти. Биронта бегона ўтин кўрмайсиз.

Бу ерлар илгори эвеноларга қарашли бўлса керак, — сўрадик директордан.

— Ҳозирча бу участкани илгорлар қаторига қўшиб бўлмайди, — деди директор назминлик билан, — нега десан, биз ўтган йили бу ерларнинг ҳар гектаридан атиги 14 центнердан ҳосил олидик, холос. Биз таажжубландик. Чунки пахтакорларнинг ғуза парварлигидаги миришкорлиги уларнинг бу соҳада катта тажрибага эга эканлигидан дарак берарди. Агар ғуза парварлиги шу замида давом эттирилса, муҳаббатидан ҳам юкори ҳосил олас бўлади.

Шу пайт эгат оралаб келган

универсал биздан бир неча қадм нарида тўхтади. Ундан ўрта бўйли, қорачадан келган ўтти ёшлардаги йигит сакраб тўхтади, биз томон кела бошлади. Директор универсални биз билан қардошларча кўришиб, уни биз билан таништирди.

— Бу йигит мана шу эвенонинг бошлиғи Собиржон Абдукаримов бўлади.

Собиржон жуда хушфезъл йигит экан. Бутун вужудидан серғайратлиги биллиниб турарди. У билан пайкал теласида туриб суҳбатлашдик.

Бу участка совхоз бўйича энг кам ҳосилли участкалардан бўлиб, пахта тайёрлаш планини йил сайини бажармасдан келарди. Ўтган йилги план 60 процентдан ошмади. Эвено аъзоларини галини бир ерга қўйиб, совхоз комсомол ташкилотидан тюпкочи эвено бошлиғи Собиржон Абдукаримовни шу эвенога ўтказишнинг илтимос қилишди. Комсомол-ёшларнинг бу талабларини қондирдик. Ўтган йили қолоқ участкага ўтиб ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил кўтаришга ҳисса қўшган Собиржон мана бу йил яна янги участкада.

Собиржон бу участкага келиши билан эвенодаги 13 азамат ёш пахтакор билан бамаслаҳат

иш қўра бошлади. Ерлар сидафатли шудор қилинди, текисланди. Агротехника қондалари асосида озиклантирилди. Чигит экин қисқа муддатда ўтказилди. У унгиб чиқили билан ғуза парварлиги бошлаб юборилди. Ёшлар яланган ҳам тез ва сифатли ўтказдилар. Хомир ғузларининг аяки яхши. Ёш пахтакорлар 60 гектар ернинг ҳар гектаридан юбилей йилида пландаги 24 центнер ўришга 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳди-паймон қилишди.

Эвено аъзолари ғуза парварлигини кун сайини кучайтирмоқдалар. Бу ишларда шубҳасиз унинг бошлиғи Собиржоннинг хизмати каттадир. Собиржон олти йилдирки тюпкочи эвенога бошчилик қилиб келади. Ҳар йили қолоқ участкага ўтиб ишлаб, уни илгорлар даражасига кўтарди. Совхоз коллективни Собиржоннинг ишбилдиришлиги, ташаббускорлиги ва бошқаларга ғамхўрлиги туфайли уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашган. У халқ ишончини шараф билан оқлаб келмоқда. Ўтган йили ёш тюпкочи эвенолар ўртасида бошланган мусобақада энг юкори кўрсаткичларга эришган учун «Москва» енгил автомашинаси би-

лаш мукофотланди. Яқинда Собиржоннинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Совхоз комсомоллари Собиржонни Бутуниттифоқ комсомоллар съезидга делегат қилиб сайладилар.

— Ҳосил тақдирини механизатор билан сувчи ҳал қилади, — дейди Собиржон. — Шу сабабдан биз улар меҳнатини қадраймиз. Ғуза ўтдан тозалангач озиклантирамиз. Сугоришга киришамиз. Сугоришни ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳаракат қилишимиз. Ёш муҳимини картда тарелган сувларини бир варакайига ташлашга эътибор берамиз. Негаки, олдин-кейини ташланган сувлар натижасида ер бир текисда етилмай қолади. Натижада кесак кўчиб, ҳосилга зарар келтиради. Бизнинг сувчиларимиз ана шунга ўрганиб қолшган. Ёш яхши сувчиларимиздан Хужакулов, Иброҳимов ўртоқлар ғузларини сифатли сугориб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Эвено аъзоларининг шу кунлардаги ғайрат-шижоатга тўла меҳнатлари келажакда катта «оқ олтин» хирмонидан дарак бериб турилпти.

М. САИДОВ.
Оққўрғон районидagi С. Сегизбоев номли совхоз.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШҚИДА

Янгийул районидagi Ангелс-Евеном колхозининг Мухаммад Аббасов бошлиқ бригадасида иш чакки эмас. 120 гектар пахта майдонидagi ғуза уч марта култивация қилинган. А. Жонтешев, А. Ҳамидов вакил пўлат от чавандозлари ғузани сифатли култивация қилишда бошқаларга ўрнак бўл-

моқдалар. Лаъли Тасканова, Рохомил Умарова сингари колхозчилар мўл ҳосил ишқиди меҳнат қилиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар бу йил ҳосилдорлигини гектар бошига пландаги нисбатан 4 центнердан оширамиз демоқдалар.

Х. ТОШМАТОВ.

БИЛДИРИШ

ТОШКЕНТ область ижроия комитети область Советининг депутатларига маълум қиладики, 1970 йил 29 июнда эрталаб соат II да республика Вилимлар уйга (Киров кўчаси, 24) биносида меҳнаткашлар депутатлари XII чакриқ Тошкент область Советининг VI сессияси очилади.

Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитетини VI сессия муҳокамасига қўйидаги масалаларини киритади.

1. Умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан областда халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида.

Докладчи область ижроия комитетини раисининг ўринбосари ўртоқ С. А. Раҳматқужаев.

Халқ маорифи бўйича доимий комиссиянинг қўшимча доклади.

Докладчи халқ маорифи бўйича доимий комиссия раиси ўртоқ С. П. Пўлатов.

2. Тошкент область 1969 йилги

маҳаллий бюджетининг бажарилиши ва Тошкент область 1970 йилги маҳаллий бюджетининг беш ойда бажарилиши тўғрисида.

Докладчи область молия бўлимининг мудирини ўртоқ Я. К. Элчибеков.

3. Область Совети коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бўйича доимий комиссиясининг иши тўғрисида ҳисобот.

Докладчи — доимий комиссия раиси ўртоқ В. И. Рибалко.

4. Меҳнаткашлар депутатлари XII чакриқ область Советининг VI сессиясида депутатлар томонидан билдирилган таъкидлий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши тўғрисида.

Область ижроия комитетини раисининг ўринбосари ўртоқ Н. И. Бахошев ахбороти.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ДОНГА ТЎЛА АДРЛАР



ШУ кунларда Ўрта Чирчиқ районидagi Тошкент от заводининг ғаллакорлари ўрим-йигим ишларини қувида қишга қизитмоқдалар. Бу ерда 19, та комбайн — билан, группа ҳушда ишлаб, ҳар кун 170—200 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йигиб олишга эришмоқдалар. Суратда: группа бўлиб ғалла ўриш-пайт.

А. АБАЛАН фотолари.

